

НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОНИЙЛИК ФАЛСАФАСИ

Жумаева Ш.С.

ИПУ НТМ катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Алишер Навоий ижодий меросида инсоннинг олий қадрият сифатида қадрланиши, унинг борлиқдаги ўрни фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар : Инсон, инсон борлиги, жамият, вафодорлик, садоқат, комил инсон, эзгулик, адолат, илм, одамийлик.

АННОТАЦИЯ

Философски анализируется понимание человека как высшей ценности, его места в бытии в творческом наследии Алишера Навои.

Ключевые слова: Человек, человеческое существование, общество, верность, преданность, совершенный человек, добро, справедливость, наука, человечность.

КИРИШ

Фалсафада шундай мавзулар борки, улар замон ва макон ҳақидаги қоидаларга итоат этмайдилар. Улар барча халқлар, барча мамлакатлар учун муштарақдир. Шундай мавзулардан бири инсон ва инсонийлик масаласидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифтли таълим” йили деб эълон қилар экан, “Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфатларини таъминлашни устувор вазифа деб белгиладик. Инсон қадри деган ғояни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Албатта, кечаги қилган ишимиз билан бугунгисининг давомийлиги, бардавомлиги бўлиши керак. Бардавомлилик нуқтаи назардан яна ва яна Инсон қадри деган ғояларга қўшилиб давом этиши керак”-деб таъкидлайди.

Навоий мероси асрлар бўйи ўрганиб келинса-да, қайта-қайта мутолаа қилишга арзийдиган маънавий-маърифий хазинадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, шоир ижоди маъно ва мазмун, ғоялар доясидир. Муаллиф унинг меросидаги инсоний фазилат, вафо ҳақидаги Навоий қарашларининг нақадар аҳамиятга эга эканлигига баҳоли қудрат аҳамият бериб, унинг айрим қирраларини ўрганишга эътибор беришни лозим деб топди.

НАТИЖАЛАР ВА МУХОКАМА

Оламнинг яратилиши, наботот, ҳайвонот оламидаги ўзгаришлар, инсоннинг дунёга келиши ва яшашдан мақсади, ҳаётнинг мазмуни сингари

жуда кенг кўламли масалалар шоир асарларидан ўрин олган. Алишер Навоий нафақат шоир, ижодкор, балки улуғ бир мутафаккир, файласуф, олим ва баъзан авлиёсифат бир шахс сифатида жуда мураккаб ва қийин муаммоларни ёритади, уларга жавоб ахтаришга, моҳиятини англаб, талқин қилишга ҳаракат қилади. Шоир фикрича, инсон оламнинг яратилиши учун асос бўлган, бутун бир борлиқнинг кўрки ва шарафидир.

Барчасини гарчи латиф айладинг,

Барчадин инсонни шариф айладинг, – дейди шоир.

Навоий наздида, дунёнинг яралмоғидан асл мақсад ҳам инсон эди. Ёки шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги қуйидаги мисраларига эътибор берсак:

Мунча гаройибки мисол айладинг,

Борчани миръоти жамол айладинг.

Ганжинг аро нақди фаровон эди,

Лек боридин гараз инсон эди.

Қодири мутлоқ инсонни барча мавжудотлардан шариф қилиб яратган экан., у ҳамма инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам мутафаккир шоир назмий ва насрий асарларида комил, яъни ҳар томонлама мукамал инсонга хос бўлган фазилатларни тараннум этади. Бу сатрлар Шарқ тафаккуридаги “инсонийлик” масаласи билан ҳамоҳангдир. Асарни шартли равишда —инсоншунослик ҳақидаги асар деб атасак, муболаға бўлмайди. Чунки, асар бошдан охиригача ҳаётий хулосаланган, инсоннинг руҳий-маънавий оламини камолот сари етаклаш хусусиятига эга қоидалар жамланмасидир.

Бу асарнинг биринчи мақолати айнан инсоний гўзал фазилатлардан бири имонли бўлиш ҳақида. Ижодкор: — Кимки бу жаҳонда инсон бўлиб келган экан, унинг асосий шarti имондир. Сабр, шукр ва ҳаёдан иборат бўлган шахсгина —инсон деган шарафли номга муносибдирлар, имондан узоқ бўлган кишиларни эса бу ном билан атаб бўлмайди,-дейди.

“Ҳайратул-аброр”нинг ўн еттинчи мақолатида Алишер Навоий ҳазратлари инсон умри фассларини поэтик талқин этганлар. Йигитлик баҳорининг латофати фасллар гўзали баҳор билан қиёсланади. Инсон умрининг хазонрезги даври билан қариликка хос ҳолатлар куз фаслига нисбат бериб тасвирланади. Китобхон инсон табиатнинг бир бўлаги эканлигини ҳис қилади. Табиатга хос ҳолатлар умр фаслларига ниҳоятда ўхшаш. Фасллар рамзи бўлган ранглар:

яшиллик — уйғониш, сарғайиш эса сўлгинлик, қариллик хазони маъноларини ифода этади. Бу мақолатда буюк сўз санъаткори табиат тасвирларини маҳорат ила чизиш орқали фалсафий маъноларга бой поэтик манзараларни жилолантиради: қуёш чиқиши, эрта баҳорги ёмғир, тонг шаббодасининг гўё фаррошлик қилиб - сув сепилган боғни - супургани, боғни гуллар атри тутгани; дарахт шохлари ёр чехрасига соч мисолдай, ёйилгани, ерни супурмоққа супурги бўлгани, шамол дарахтлар шохини ерга буккани, булут эса сув сепувчи бўлгани, шундай қилиб, осмон дунё боғини супурди, унга сув сепди, энди райҳонлар ниш ура бошлади. Ер юзини қоплаган ўт, майсалар кўк юзини тўзғитган юлдузларга ўхшатилади. Табиат атрофга оро бериб, аста дарахтларда япроқлар, гуллар пайдо қилади. Кейинроқ яшил либоснинг тугмалари - мевалар пайдо бўлади. Боғ мевага тўлади. Бу:

*Боғ ўлуб ашжару самардин тўла,
Комилдек фазлу ҳунардин тўла.
Балки бўлуб равза гулистонидек,
Йўқки хирадманд киши жонидек.*

Шоир наздида меваларга тўла боғ-боғбон меҳнатининг самараси, айни дамда ғарқ пишган мевалар фазлу ҳунарни тўла эгаллаган комил инсонларга ўхшайди. Уларнинг ақлу донишлиги туфайли яратилган яратилган ҳунарманд яратган анжомлар каби қадрли. Фозиллар ўз касбу ҳунарини мукаммал эгаллаган яратувчи инсонларга ўхшатилади. Уларнинг жони жаннат гулистонига монанд. Боғбон етилган меваларни териб олади. Саҳнида мева қолмаган боғ гавҳарсиз садафни эслатади. Боғ эса юлдузсиз, осмонга ўхшайди.

*Чун узубон меваларни боғбон,
Боғ бўлиб анжуми йўқ осмон.
Саҳни гулистонки, самар йўқ анга,
Бир садафдекки, гуҳар йўқ анга.*

Боғ мевасиз қиёфада - меваи жондин кўнгил узади, дарахт шохлари эса - кўнгилсиз киши каби беморга ўхшаб қолади. Шохлар, япроқларнинг бемор юзи каби сарғайиши ошиқнинг сарғайган юзидай, ишқ ғамининг ўти япроқларни куйдиргандай. Умрнинг хазонрезги даври айрилиқ туфайли содир бўлган бетобликка ўхшайди. Сарғимтир барглари ҳар томонга сочаётган кузнинг рутубатли шамоли энди япроқларда - рангу сафо қолдирмади.

*Қолмади тан нахлида барги ҳавас,
Балки учурди ани совуғ нафас.*

Инсоннинг нафс йўлидаги интилишлари, ҳою ҳаваслари дарахт баргига ўхшатилади. Умрини бу каби енгил-елпи ҳавасларга сарфлаган одамлар

қарилик даври етиб, тан дарахти ялонғочлангани каби маънисиз ўтказган ҳаётдан ўкиниб қолмайдиларми? Уларнинг қариликдаги ҳолати мевасиз боғга ўхшамайдими? Ўн еттинчи мақолатдаги лирик чекиниш орқали Навоий ҳазратлари умр фаслларининг қадрига етишга, уларни бесамар ўтказмасликка даъват этиб, ўз ҳаяжону кечинмаларини қуйидаги байтда тўла ифода қилганлар:

Оҳки умр ўтди жаҳолат била,
Қолдим ўлум вақти хижолат била...
Умр куни уйқуда қолдим тамом,
Эмдики уйғондим, ўлиб эрди шом.
Андаки қилмоқ керак иш, қилмадим,
Иш қила олмас кунини билмадим...
Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йироқ,
Умр неким, андин ўлим яхшироқ!

Буюк мутафаккир ҳаёт каби улугъ неъматни қадрлашга, уни беҳудага сарфламасликка, умр фаслларини эзгулик яратишга, мазмунли ўтказишга ва катта мақсадлар учун яшашга чорлайди. Ҳайратул-абрордаги умр фаслларининг санъаткорона талқини инсониятни яна кўп асрлар оша ҳайратга солади. Ҳаётсеварликка, эзгуликка чорлайди.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг *“Хамса”*, *“Лисон ут-тайр”*, *“Ҳазойинул маоний”*, *“Маҳбуб ул-қулуб”* сингари асарларида ҳам оламни идрок этиш, камолот босқичларидан ўтиш асрори поэтик ифодасини топган. Демак, ахлоқий комиллик, маърифат, ишқ, гўзаллик ва тафаккурни, асл ҳақиқат ғоясини илгари сурган мутасаввифлар учун инсон ҳақиқати - Қуръон, Қуръон ҳақиқати эса комил инсондир. *“Қуръони Карим”* ва муқаддас ҳадиси шаърифларда келишича, инсон шарафланган ва фаришталарнинг унга сажда қилиши буюрилган. Жумладан китобда: Одам болаларини мукаррам қилиб яратдик, дейилади. Олам Аллоҳ ҳусну жамоли учун кўзгу бўлса, Инсон бу кўзгунинг мазҳари. Яъни Яратувчи қудрати ва асрори, илму каромати акс этган хилқатдир. Инсон – коинот гултожи. Ундан бошқа бирор жонзотга бундай тафаккур ва амал раво кўрилмаган. Тасаввуф таълимотида ҳам инсон Худонинг ердаги халифаси, икки оламнинг гултожи, қаймоғи саналади. Шунинг учун ҳам Навоий: *“Одамий шарифул кавнайндура”*, яъни: Одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф яратиғидир, деб билган. Шоир ҳатто оламнинг маъносини инсонга, унинг (инсоннинг) борлиғига боғлаб қўйиб айтадики:

Карам бирла халқ айлагай оламе,
Бу оламда мақсуд анга одаме.
Ғараз одами анга олам туфайле,

Не ким ғайри оламдур ул ҳам туфайл.²

Демак, Навоий дунёнинг майдонга келишидан ҳам мақсад одам, дейди. Инсонни бутун борлиқнинг, бутун мавжудотнинг энг аҳамиятлиси, деб ҳисоблайди, бутун воқелик унинг (инсоннинг) истаклари объектдир, шу истакларга хизмат қилиши керак демоқчи бўлади.

Очилғон гулшанда инсон гули,

Не инсон гули, боғи ризвон гули.³

Навоийнинг машҳур инсони Ширин чуқур маъноли фарах билан:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,

Агар мен одам ўлсам ушбу басдур,⁴ –

дейди ва бу билан ўзининг инсоний қимматини шу қадар юксакликларга кўтардики, инсонийликни беҳад қимматбаҳо эканлигини уқтиради, бу билан чин инсоннинг разолат билан, пасткашлик билан, инсонни ерга уришлик билан алоқаси бўлмаганлигини кўрсатиб ўтади ва инсонийликни ҳимоя этишда ҳеч нарсадан қайтмасликка тайёрлигини билдиради.

Шунингдек, вафо, садоқт фазилатларини Навоий жуда чуқур маънода ва кенг кўламда олади. Уни ёлғиз оддий ошиқ, эр билан маъшуқа орасидаги муносабат маъносидагина англамайди, маълум даражада умуминсонийлик кўрсаткичига, ижтимоий қадриятга айлантиради. Вафо бутун инсонийликка, олийжаноб ҳақиқий инсоний сифатларга, хислатларга нисбатан олинган. Вафодорлик- вафоли бўлиш, худди шуларга қандай йўл билан бўлмасин содиқ, берилган бўлиш, улар учун интилиш, курашиш тушунчасини ўз ичига оладики, шу билан Навоий вафо, вафодорлик оддий фалсафий тушунча бўлмасдан, фаол ижтимоий, фалсафик категориядир, яъни у нималарга нисбатан олинган бўлса, ўшалар учун ҳеч нарсага қарамасдан содиқ бўлишликнинг, интилишликнинг ҳам заруриятини ўз ичига олади. Навоий Фарҳоди, Ширини, Искандари, Шопури бу айтганларимизнинг яққол мисоли бўла оладилар, улар вафолиларнинг намунасидирлар.

ХУЛОСА

Ёш авлодни тарбиялаш борасидаги устувор вазифаларни амалга оширишда аждодларимиз меросининг, хусусан, Алишер Навоий асарларининг ўрни беқиёс. Бугун шоир асарларини чуқур ўргансак, мисралар қатидаги теран маъноларни англашга ҳаракат қилсак, шоирнинг инсонийлик хусусидаги хулосаларининг

²Алишер Навоий. “Хамса”. Т.: “Фан”, 1960, 622-бет.

³Ўша асар, 621-622-бетлар.

⁴Ўша асар, 263-бет.

мағзини чақа олсак, уларни қай даражада ёшларимиз онгига сингдира олсак, маънавий юксак ёш авлодни камолга етказишга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022йил 22декабр.
2. Навоий, Алишер. Хамса. Насрий баён/ А.Навоий. Тошкент: "Navzo'z" 2019. 7 б.
3. Алишер Навоий. Асарлар.15 томлик. Хамса. Т.: Госполитиздат. 1963. -Б.32
4. Навоий, Алишер. Хамса. Насрий баён/ А.Навоий. Тошкент: "Navzo'z" 2019. - 81 б.
5. Алишер Навоий. Фарход ва Ширин. 7-том. 41-42 б.
6. Норов.Т.О. Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг мустикал Ўзбекистан ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан уйғунлиги// Фалсафа фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2019. - 48 б
7. Иброхимов Ф. А. Инсон бегоналашуви муаммосини бартараф этишнинг Ўзбекистон шароитидаги имкониятлари. Фалсафа ва ҳуқуқ.ЖУРНАЛИ. Тошкент - 2019.№ 1. 140-142 бетлар
8. Ergasheva, Y. A., Vasieva, D. I., & Murtazova, S. B. (2019). Political persecutions and ideological pressure on the creative intellectuals of Uzbekistan in post-war decades. *International Journal of Recent Technology and Engineering*, 8(2 S10), 374-377.
9. Murtazova, S. B. (2021). VATAN HIMOYACHILARI YODI MANGU VARHAYOT!(Ikkinchi jahon urushida noma'lum ketgan bobom Begmatov Omon va Haramjo 'ylik urush qatnashchilari haqida). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 544-549.
10. Муртазова, С. Б., & Муртазов, С. Б. (2021). ИЗ ИСТОРИИ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ (НА ПРИМЕРЕ ПЕРВЫЕ ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 152-156.
11. Alimovna, E. Y., Alimovna, E. G., & Burievna, M. S. (2020). Historical Stages Of Innovative processes In Higher Education Of Uzbekistan. *Solid State Technology*, 63(6), 9824-9834.